

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВА АҚИДА ХУРРАМ ҚИЗИ

ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК ФАЛСАФАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК
ЙЎНАЛИШЛАРИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Отформатировано: слева: 2,2 см, справа: 2,3 см, не
Различать колонтитулы: первой страницы

Отформатировано: интервал после: 150 пт

Отформатировано: не выделение цветом

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Тошкент – 2022

УЎК: 01.111.1(5'

Отформатировано: По левому краю

Отформатировано: Шрифт: 12 пт

Отформатировано: Шрифт: 12 пт

Фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation abstract
of doctor of philosophy (PhD)

Хайдарова Акида Хуррам кизи

Виртуал реаллик фалсафасининг методологик йўналишлари3

Отформатировано: интервал Перед: 6 пт

Хайдарова Акида Хуррам кизи

Методологические направления философии виртуальной реальности~~26~~25

Отформатировано: русский

Отформатировано: интервал Перед: 6 пт

Khaydarova Akida Khurram kizi

Methodological directions of the philosophy of virtual reality~~50~~47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works~~55~~52

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВА АҚИДА ХУРРАМ ҚИЗИ

ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК ФАЛСАФАСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК
ЙЎНАЛИШЛАРИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

~~09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик~~

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Отформатировано: интервал Перед: 72 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

▲
Тошкент – 2022

Отформатировано: Шрифт: 12 пт

Отформатировано: Шрифт: 12 пт

Отформатировано: Шрифт: 12 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fal472 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шермухамедова Нигинахон Арслановна фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раматов Жуманиёз Султонович фалсафа фанлари доктори, профессор
	Ортиқов Тўланбой Артикбаевич фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» декабрь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (138 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «1» декабр да тарқатилди.
(2022 йил «1» декабр даги 19 рақамли реестр баённомаси).

И.С.Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.С.Раматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар

Отформатировано: Отступ: Первая строка: 0 см

Отформатировано: интервал после: 10 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Отступ: Первая строка: 0 см

Отформатировано: интервал после: 6 пт

Отформатировано: интервал после: 10 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: интервал после: 6 пт

Отформатировано: русский

Отформатировано: интервал после: 6 пт

Отформатировано: интервал после: 6 пт

Отформатировано: интервал после: 6 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

раиси, фалсафа фанлари доктори,
профессор

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ~~Ж~~Бугунги кунда жаҳонда технологик тараққиёт ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши, жисмоний меҳнатнинг ақлий меҳнат билан алмашиши, шахслараро муносабатларнинг такомиллашиши, меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этмоқда. ~~ва~~ бу жараёнлар виртуал реаллик имкониятларида намоён бўлмоқда. Виртуал реаллик технологиялари билим чегаралари ва тафаккур имкониятларини кенгайтирмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг ижобий натижалари ва салбий оқибатларида намоён бўлмоқда. Шу боис, учинчи минг йилликда виртуал реаллик инсоннинг бегоналашуви ва индивидуаллашувини бартараф этиш, баркамол шахс тарбияси, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва улардан ижобий мақсадларда фойдаланишнинг механизмларини такомиллаштиришда дунё олимларининг ҳамкорлигига эришиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда табиий тартиблилик ва тартибсизликнинг ижтимоий жараёнлардаги ролини аниқлаш, жамият тарихини ўрганиш, келажакнинг мўлжалларини тўғри белгилашда виртуал реаллик технологияларидан фойдаланишнинг йўналишларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Виртуал реаллик технологиялари жамият тараққиётининг динамикасини ўрганишнинг асосий воситаси, инсон билимининг чексиз имкониятларини намоён этиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим элементи сифатида баҳоланмоқда. Виртуал реаллик технологияларининг шахслараро муносабатларни сақлаш, дунёни билишдаги ўрнини очиқ беришга оид илмий тадқиқотларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда виртуал реаллик технологияларига шахсни биологик идентификация қилиш, табиатшунослик фанларини ривожлантириш, ижтимоий-тарихий жараёнлар ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириш воситаси сифатида эҳтиёж ошмоқда. Ижтимоий тараққиёт механизмларини такомиллаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, фуқароларнинг ислохотларга дахлдорлигини ошириш, ислохотларнинг асосий иштирокчиларига айлантиришда виртуал реаллик технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда»¹. Шу боис, инсоннинг олам ҳақида мукаммал билим эгаллаш~~и~~, дунёни идрок этиш воситаси сифатида виртуал реаллик технологияларидан фойдаланишнинг универсал моделларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрельдаги ПФ-5416-сон «Диний-

Отформатировано: узбекский (кириллица)

¹ Мирзиеёв, Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 307.

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»³ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»⁵ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Виртуал реаллик фан ва фалсафада нисбатан янги тушунча бўлсада, дастлаб Аристотелнинг «Никомова этика» асарида орзулар, ҳаёл ва тасаввурнинг инсон ҳаётига таъсири⁷, Платоннинг «Давлат»⁸ асарида идеал давлат ғояси виртуал реалликка ишора сифатида намоён бўлган. Кайковуснинг «Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмагил, ҳамиша яхшиликни ҳалойиққа кўрсатгил ва асло уни аксин кўрсатмагил, бошқа тил билан сўзлама»⁹, деган фикрида реал муносабатларда ахлоқий қоидаларга амал қилишга даъватни, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри»¹⁰ асарида идеал жамият ҳақидаги ғояларни, Уйғониш даври утопик социалистларнинг куёш шаҳри ҳақидаги орзуларини виртуал реалликнинг тарихий илдизлари, деб баҳолаш мумкин.

XX асрда компьютер технологиялари ва интернет тармоғининг яратилиши билан виртуал реаллик ҳақидаги фанлараро методологик тадқиқотлар бошланган. Хориж олимлари Ж.Делоуз¹¹ виртуал реалликнинг ҳақиқий борлиқ билан ўзаро алоқасини, Т.Хомский ва Р.Бервик, Ф.Фукуяма, Г.Хакен ва К.Хакен, П.Тиллих¹² виртуал борлиқни яширин идрок сифатида,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Олий мажлисга мурожаатномаси диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати»га киритилган.

³ Аристотель. «Ахлоки кабир». – Тошкент: Фан, 2005.

⁴ Платон. О государстве. – М.: 1972. – С. 186.

⁵ Кайковус. Қобунома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018, – Б.37.

⁶ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.

⁷ Делоуз, Ж. Настоящее и виртуальное. – М.: Восток – N 11, 2006.

⁸ Хомский Н., Бервик Р. Человек говорящий. Эволюция и язык. – Питер, 2018; Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее: Последствия биотехнологической революции. – М.: АСТ: ЛЮКС, 2004.; Хакен Г., Хакен-Крель, Тайны восприятия. – М.: 2002.; Тиллих П., Систематическая теология, Том 3, Издательство Чикагского университета, 1963, – С. 245.

О.Власенко, Л.Манович⁹ виртуал реаллик антропологияси, С.Калверт, Р.Шредер¹⁰ виртуал реалликнинг ижтимоий жиҳатларини, Ж.Бодрийяр, П.Вирильо, Б.Вули, Гудман, В.А.Емелин, В.Руднев ва Ж.Д.Льюиз¹¹ виртуалликни постмодернизм услуги ва кайфиятнинг тўлиқ тимсоли сифатида очиб берганлар.

МДХ олимлари, хусусан О.Д.Агапов XX асрда виртуал реаллик фанлараро тадқиқотларнинг предмети, ¹² Э.Белинская ва А.Жичкина, У.Купер, Ж.Сулер интернет тизими виртуал реалликнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ¹³ О.Астафьева, П.Борсук, С.Добровотворский, М.Игнатъев, Н.Карпицкий, Н.Маньковская, А.Орлов, Н.Петрова, А.Прохоров, В.Савчук виртуал реаллик технологияларининг санъат, бадиий ижод, эстетик дидни тарбиялашдаги аҳамиятини, экран маданиятини шакллантирувчи янги техник восита ¹⁴ сифатида баҳолаганлар. Ф.Т.Валишин ва К.Х.Хайруллин

⁹Власенко Ольга Владимировна. Педагогические условия подготовки будущих дизайнеров к проектной деятельности средствами компьютерных технологий. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. — Армавир. — 2020.; Lev Manovich. The Engineering of Vision from Constructivism to Computers (англ.). PhD diss. — Rochester: University of Rochester, 2020. Computers (англ.) // PhD diss., University of Rochester.

¹⁰Калверт, Сандра (2015). "Дети и цифровые МЕДИА". В Лернер Р. (ред.). Справочник по детской психологии и науке о развитии, экологические условия и процессы в системах развития (7-е изд.). — Хобокен, Нью-Джерси: Уайли, 1995. — С. 375-415. ISBN 978-1-118-13685-0.; Шредер Р. Киберкультура, киборг-постмодернизм и социология технологий виртуальной реальности: катание на волнах души в век информации. Schroeder R. Cyberculture, cyborg post-modernism and the sociology of virtual reality technologies: surfing the soul in the information age. — Guildford, 1994. — VOL. 26, — № 5. — P. 519-528.

¹¹Жан-Бодрийяр Жан. Симулякры и симуляции. ISBN: 978-5-91478-004-0. — М.: Постум, 2018. Интернет-манба: <https://www.livelib.ru/author/27778/top-zhan-bodriyyar>; Вирильо П. Машина зрения. — М.: Наука, 2004. — Информационная бомба. Стратегия обмана / La Bombe Informatique. Strategie de la Deception, Фонд научных исследований «Прагматика культуры», 2002. "Прагматика культуры", 2002 г. Подробнее на livelib.ru: <https://www.livelib.ru/author/411273-pol-virilio>; Woolley B. Virtual worlds. A Journey in Hype and Hyperreality. Oxford, Gambridge: Blackwell, 1992. — 274 p.; Goodman N. Ways Goodman, N. (2001). Ways of Worldmaking. Rus. Ed. — М.: Idea-Press, Logos, Praxis Publ., 2001; Емелин В.А. Симулякры и технологии виртуализации в информационном обществе. // Национальный психологический журнал, 2016. — № 3 (23). — С. 86-97; Руднев Вадим Петрович. Льюиз Дэйвид. Возможные миры и виртуальные реальности. Интернет-манба: <https://bookshake.net/r/vozmozhnye-miry-i-virtualnye-realnosti-vadim-petrovich-rudnev?page=2>

¹² Агапов О.Д. Виртуальность в историческом познании. — Казань, 2000. — С. 50-52.

¹³ Белинская Е.П., Жичкина А.Е. Пространство, населенное другими [Электронный ресурс] // Интернет. — 2000. — №16. — URL: <http://gagin.ru/internet/16/28.html>; Cooper, W. MUDs, Metaphysics, and Virtual Reality. J. Virtual Environ. 2000. 5. Available online: <http://www.hayseed.net/MOO/JOVE/cooper.html> (accessed on 21 November 2019). [Google Scholar]; Suler, John. (1996). The Psychology of Cyberspace. <http://www.rider.edu/~suler/psyber/psyber.html>; Suler, J.R. (2002) Identity Management in Cyberspace. Journal of Applied Psychoanalytic Studies 4:455-459; Suler, J. (2004) Computer and Cyberspace «Addiction». International Journal of Applied Psychoanalytic Studies, 2002. — P4. 359-362; SULER, J. R. (1999). To Get What You Need: Healthy and Pathological Internet Use // CyberPsychology & Behavior, 1999, — № 2 (5). — P. 385-393. DOI: 10.1089/cpb.1999.2.385

¹⁴Астафьева О.Н. Компьютерная виртуальная реальность и искусство (к вопросу о расширении эстетического опыта личности). Виртуальная реальность. — М.: ИФ и ИЧ РАН, 1998. — С. 141-145.; Борсук П. Виртуальная реальность и искусство. — М.: Мультимедиа, 1996. — №4 (декабрь). — С. 20-21.; Добровотворский С. Восприятие стандарта. — М.: 1994. — № 2. — С. 75-83; Игнатъев М.-Б. и др. Архитектура виртуальных миров. — СПб., 2005; Карпицкий Н. Онтология виртуальной реальности. URL: <http://tvfi.narod.ru/virtual.htm>. — 1999.; Манковская, Н. Виртуальный мир и искусство — М.: Архетип. — 1997. — № 1; Орлов А.М. Электронная культура и ее технологический аспект в преддверии XXI века.—М.: 1999. — № 6. — С. 4-8.; Петрова Н. Виртуальная реальность как новый метод арт-терапии: или расставание с собой, 1998; Прохоров А. Многоликая виртуальная реальность. — М.: Компьютер Пресс. — 2000. — № 8. — С. 9-15.; Савчук В. Конверсия искусства. — М.: Петрополис, 2001. — С. 288.

Отформатировано

Отформатировано: английский (США)

Код поля изменен

Отформатировано

Отформатировано

Код поля изменен

Отформатировано

Отформатировано

Отформатировано

Код поля изменен

Отформатировано

Отформатировано

виртуал борлиқнинг физик жиҳатларини,¹⁵ В.В.Афанасьева виртуаллик хаосни ифодалашини¹⁶, Н.А.Носов виртуалистика йўналишининг аҳамиятини¹⁷, Л.П.Тимофеева «виртуал бозор», «виртуал эҳтиёж», «виртуал кўркув», «виртуал муҳаббат» тушунчаларини¹⁸ илмий муомалага киритган. Қозоғистон олими Д.Р.Сапарова рақамли авлоднинг маданий макони¹⁹, Тожикистон олимлари С.Р.–Ишонова глобал тармоқда ижтимоий-маданий маконнинг модернизация жараёнилари, З.Афшорниёзода интернет ва мобил телефонларнинг ҳулқ-атворга таъсири²⁰ мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ўзбекистонда О.Файзуллаев «Фалсафа ва фан методологияси» рисоласида виртуал борлиқ динамикасини²¹, Ш.С.Қўшоқов ижтимоий тарихий воқеалар ҳақидаги виртуал тасаввурларни²², Н.А.Шермухамедова «Фалсафа ва фан методологияси» дарслигида виртуалистика, виртуал зарраларнинг гносеологик, онтологик ва методологик жиҳатларини²³, Б.Тўраев «Синергетика» китобида виртуал борлиқда макон ва вақт категорияларининг ўрнини,²⁴ З.Давронов ижодий фаолият – виртуал тасаввур маҳсули²⁵ эканлигини асослаган. М.Нормаматова виртуалистикада постклассик эпистемологик ғояларни²⁶, Г.Султанова когнитив билимнинг виртуал реалликни яратишдаги ролини²⁷, Ҳ.Ҳ.–Муҳаммадиев «виртуаллик» тушунчасининг фалсафий-тарихий таҳлилини²⁸ ўрганганлар, А.Туляев

¹⁵ Валишин Ф.Т. Виртуальность в современном мире – Казань, 2000. – С. 60-61; Хайруллин К.Х. О виртуальных истоках жизни. – Казань, 2000. – С. 24-27.

¹⁶ Афанасьева В.В. Тотальность виртуального. – Саратов, 2005; Афанасьева В.В. Онтология виртуальности. Философия и будущее цивилизации. Тезисы докладов и выступлений IV Российского философского конгресса. – Москва, 2005. 24-28 мая 2005 г.; в Б 5 т. Т. 3. – М.: 2005.

¹⁷ Носов Н.А. Манифест виртуалистики. – М.: Путь, 2001. – С. 17-40; Носов Н.А. Виртуалистика // Сборник резюме XIX Всемирного философского конгресса «Человечество на переломном этапе: философские перспективы». – М.: 1993, Т. 1, – С. 344.

¹⁸ Тимофеева Л.П. Философское понимание виртуальной культуры // Материалы межвуз. конференции. – Казань, 2000. – С. 12-15.

¹⁹ Д.Р.–Сапарова Д.Р., Культурное пространство цифрового поколения Диссертация на соискание степени доктора философии (PhD) – Республика Казахстан Алматы, 2020. Интернет манба: Диссертация Сапарова Д.Р..pdf (kaznu.kz)

²⁰ С.Р. Ишонова, Информационные технологии и глобальная сеть в модернизационных процессах социокультурного пространства (на примере системы образования и политики Таджикистана). – Худжанд – 2020. Интернет манба: Ishonova_SR.pdf (tnu.tj); Афшорниё Зухре Афшорниё, Влияние Интернета и мобильных телефонов на нравственные и социальные качества личности подросткового возраста. – Душанбе, 2014. Интернет манба: Влияние интернета и мобильных телефонов на нравственные и социальные качества личности детей подросткового возраста (nauka-pedagogika.com).

²¹ О.Файзуллаев. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006.

²² Ш.С. Қўшоқов Ш.С., Постноклассик фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: йўналишлар, муаммолар ва ғоялар. Монография. – Самарканд: СамДУ нашри, 2011. – Б. 5-42.

²³ Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – Б. 192.

²⁴ Б. Тўраев Б., Синергетика. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 364.

²⁵ Давронов Илмий ижодиёт методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.

²⁶ М. Нормаматова М., Виртуалистикада постноклассик эпистемология ғоялари. Дисс. Автореферат-днее. – Самарканд, 2019. – Б. 39.

²⁷ Г.С. Султанова Г.С., Постноклассик илмий тафаккур тарзининг умумилмий феноменга айланиши. Монография. – Самарканд: СамДУ, 2011. – Б. 65-66.

²⁸ Ҳ.Ҳ.–Муҳаммадиев Ҳ.Ҳ., «Виртуаллик» тушунчасининг фалсафий-тарихий таҳлили. Илм-фан ва таълим-истиклол пойдевори. Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Самарканд-Тошкент, 2013.

Отформатировано: русский

Код поля изменен

Отформатировано: русский

Код поля изменен

Код поля изменен

Отформатировано: русский

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

«Виртуал реалликнинг эстетик жиҳатлари»²⁹ мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

Турли соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқот ишларида виртуал реаллик, виртуалистикага технологик тараққиётнинг маҳсули сифатида баҳо берилган бўлсада, уларнинг ижтимоий борлиқда амал қилиш механизмлари етарли асосланмаганлиги боис, ушбу тадқиқот ишида виртуал реаллик фалсафасининг методологик йўналишларини очиб бериш ва келажак истиқболларини белгилашга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий— тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Фалсафий инновациялар: концепциялар ва методологик ёндашувлар» мавзуи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дунёнинг илмий манзараси ва унинг эволюциясида виртуал реаллик ривожланишининг онтологик ва гносеологик жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал реалликка оид онтологик, гносеологик ва фалсафий таълимотларда инсон тафаккури имкониятларининг дунё манзарасини ўзгартирувчи куч сифатидаги ролини асослаш;

макон ва вақтда виртуал борлиқ ва-ҳамда виртуал зарралар ўзарф таъсирининг физик оламдаги инъикосининг назарий ва эпистемологик жиҳатларини очиб бериш;

виртуал борлиқ технологияларининг шахслараро коммуникацияни таъминлаш, диалог ва мулоқотнинг янги макони сифатидаги ўрнини асослаш;

виртуал реалликнинг келажак истиқболини прогнозлаштириш ва ундан ижобий мақсадларда фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришнинг аҳамиятини илмий-фалсафий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида физик борлиқда виртуал реалликнинг намоён бўлиши олинган.

Тадқиқотнинг предметини ижтимоий борлиқда амал қилувчи виртуал технологиялар ва виртуал макон ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, диалектика, қонун ва категориялари, синергетика, таъйинлари, эмпирик тадқиқот методлари, назарий тадқиқот методлари, мавҳумликдан аниқликқа ўтиш, социологик сўровнома усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

виртуал реаллик ижтимоий тараққиётни таъминлаш омили эканлиги сабабли техноген цивилизациянинг давомийлиги, моддий ва маънавий фаровонликни таъминлаш, шахслараро мулоқот воситаси ва оламни билишнинг креатив имконияти эканлиги илмий асосланган;

²⁹ А.Туляев А. Виртуал оламнинг ахлоқий муаммолари (фалсафий таҳлил). Дисс. Автореферат-днее. Тошкент, 2021. – Б. 37.

виртуал реалликнинг потенциал ва актуал борлиқнинг идеал модели сифатида ўтмиш ва келажакни боғлаш воситаси эканлиги, инсон тафаккур услубининг янги ижтимоий маконга мослашиш жараёнида хаосни бартараф этиш, реал ва виртуал реалликнинг мутаносиблигига эришишнинг илмий тафаккур услуби билан боғлиқ янги билимлар тизими шаклланишининг гносеологик жиҳати очиб берилган;

анъанавий турмуш тарзининг технологик ҳаёт тарзи билан алмашинуви жараёнида виртуал реаллик технологияларидан инсоннинг дунёни англаш, маданий мулоқотни такомиллаштириш, виртуал борлиқда янги кадриятлар тизимини яратиш механизми сифатида фойдаланишнинг фан тармоқларини ривожлантириш, сунъий интеллектнинг имкониятларини кенгайтириш, барқарорлиқни таъминлашдаги интеграцион ва компе~~н~~саторлик моҳияти фалсафий жиҳатдан ишлаб чиқилган~~а~~~~е~~~~о~~~~с~~~~л~~~~а~~~~н~~~~г~~~~а~~~~н~~;

фан, таълим, санъатшунослик, маркетинг, тиббиёт, биотехнология соҳаларидаги ислохотларда виртуал реаллик технологияларидан фойдаланишнинг зарурияти, шахслараро мулоқотда шу соҳалардаги ривожланиш кўрсаткичларининг инсон онгига таъсирида намоён бўлиши клибли тафаккур ва соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришда, келажак сари мўлжал олишда фаолиятни тизимли ташкил этиш омили эканлиги ~~а~~~~е~~~~о~~~~с~~~~л~~~~а~~~~н~~~~г~~~~а~~~~н~~ланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

виртуал реаллик технологияларидан ижтимоий тараққиёт механизми, инсон рационал тафаккури маҳсули сифатида фойдаланишнинг фаолиятни тўғри ташкил этиш, цивилизация тақдирини белгилаш ва келажакка мўлжал олишда виртуал реалликнинг чексиз имкониятларининг гносеологик жиҳатлари очиб берилган;

виртуал реаллик ва виртуал зарралар реал борлиқнинг технологик инъикоси сифатида учинчи минг йилликда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлашда намоён бўлиши асосланган, ундан фойдаланишнинг фалсафий аҳамиятин~~и~~ тушуниш бўйича янги методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференцияларда муҳокама қилинган~~ми~~~~и~~, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилган~~ми~~~~и~~, олинган натижаларнинг асослиги ҳақидаги маълумотномаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган~~ми~~~~и~~ билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан виртуал реаллик технологияларининг ижтимоий тараққиёт ва технократик тафаккурни ривожлантириш, шахслараро ва давлатлараро мулоқот эркинлигини ташкил этиш, цивилизациянинг давомийлигини таъминлашга оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан виртуал реаллик~~нинг~~ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

қилиши, виртуал зарралар инсон ҳаётини узайтириш ва соғлиғини сақлаш, нанотехнологиялар, биотехнологиялар маиший ҳаёт фаровонлигига эришишнинг муҳим воситаси эканлигини англашга оид амалий фаолиятда, фалсафа бакалавр таълим йўналишидаги ««Фалсафага кириш»», ««Онтология ва билиш назарияси»» фанларининг мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Виртуал реаллик фалсафасининг методологик йўналишларини тадқиқ этиш натижасида:

виртуал реаллик ижтимоий тараққиётни таъминлаш омили эканлиги сабабли техноген цивилизациянинг давомийлиги, моддий ва маънавий фаровонликни таъминлаш, шахслараро мулоқот воситаси ва оламни билишнинг креатив имконияти эканлигига оид ғоялардан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сонли Фармони билан тасдиқланган «Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича «Йўл харитаси»нинг I бўлим 5-банди, III бўлим 26-банди, IV бўлим 31, 32-бандлари, V бўлим 38-банди, VI бўлим 40-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама қўмаклашишда, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш бўйича тайёрланган услубий қўлланмаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йил 28 февралдаги 02-02/469-сон маълумотномаси). Натижалар маҳаллаларда дастурчилар корпусини тайёрлаш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш, аҳоли турли қатламларининг виртуал реаллик технологияларидан оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришга хизмат қилган;

виртуал реалликнинг потенциал ва актуал борлиқнинг идеал модели сифатида ўтмиш ва келажакни боғлаш воситаси эканлиги, инсон тафаккур услубининг янги ижтимоий маконга мослашиш жараёнида хаосни бартараф этиш, реал ва виртуал реалликнинг мутаносиблигига эришишнинг илмий тафаккур услуби билан боғлиқ янги билимлар тизими шаклланишининг гносеологик жараён маҳсули эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармасининг ёшлар тафаккурида ахборотни танлаш, саралаш малакаларини шакллантириш, уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкил этилган туркум тарғибот ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлигининг 2022 йил 17 мартдаги 4-13-23-703-сон маълумотномаси). Натижалар бу таълим муассасаларидаги ёшларнинг билим олишларини рағбатлантириш, уларда

инновацион тафаккур ва креатив фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, давлат ва жамият фаровонлигини таъминлашда ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга доир дастурларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

анъанавий турмуш тарзининг технологик ҳаёт тарзи билан алмашинуви жараёнида виртуал реаллик технологияларидан инсоннинг дунёни англаш, маданий мулоқотни такомиллаштириш, виртуал борлиқда янги қадриятлар тизимини яратиш механизми сифатида фойдаланишнинг фан тармоқларини ривожлантириш, сунъий интеллектнинг имкониятларини кенгайтириш, барқарорликни таъминлашдаги интеграцион ва компенсаторлик моҳияти сифатида намоён бўлишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурининг IV йўналишига оид «Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш» 34-банди интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга самарали қарши курашишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирларда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2022 йил 31 мартдаги 02/02/487-сон маълумотномаси). Натижалар марказ ходимлари ва «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари учун «Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари» мавзуида туркум ҳудудий ва масофавий ўқув [машғулот](#)лар ташкил этишга хизмат қилган;

фан, таълим, санъатшунослик, маркетинг, тиббиёт, биотехнология соҳаларидаги ислохотларда виртуал реаллик технологияларидан фойдаланишнинг зарурияти, шахслараро мулоқотда мазкур соҳалардаги ривожланиш кўрсаткичларининг инсон онгига таъсирида намоён бўлиши клип тафаккур ва соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришда, келажак сари мўлжал олишда фаолиятни тизимли ташкил этиш омили эканлигига оид хулосалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг виртуал реаллик технологияларидан ижтимоий тараққиёт механизми сифатида тадбиркорлар фаолиятини тизимли ташкил этиш, ишбилармонлик соҳасига виртуал технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг самарадорлигини оширишда фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2022 йил 4 апрелдаги 01-27/159-сон маълумотномаси). Натижалар тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг виртуал технологиялардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш соҳасига янги технологик қурилмаларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишга хизмат қилган.

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола чоп этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (республика журналларида 4 та, хорижий журналларда 1 та) мақола, шунингдек, республика конференцияларида 4 та, халқаро конференцияларда 3 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Отформатировано: Обычный, интервал Перед: 12 пт, после: 12 пт, междустрочный, множитель 0,98 ин, Узор: Нет, Поз.табуляции: нет в 1 см

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазибалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинган, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Виртуал реаллик замонавий фан имкониятлари натижаси сифатида**» деб номланган биринчи бобида технологик ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили асосида виртуал реалликнинг моҳияти, унинг замонавий фан ва технология тараққиёти билан боғлиқ фалсафий методологик жиҳатлари очиб берилган. ~~Бизнинг фикримизча~~~~Муаллиф фикрича~~, виртуал реаллик технологиялари техноген цивилизациянинг маҳсули сифатида нисбатан янги тушунча бўлса-да, у инсон тафаккурининг янгилиниши ва ижтимоий фаолиятининг такомиллашиши натижасида унинг орзумидларини ўзида ифодаловчи қадимги дунёқараш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Платоннинг «Диалог»³⁰ асаридаги Атлантида афсонаси виртуал реаллик ҳақидаги тасаввурларнинг дастлабки асосидир. Аристотелнинг «Никомахаво этика»³¹ асарида жамият аҳолисининг ахлоқ қоидаларига риоя қилиши давлат бошқарувида барқарорлик омили бўлиши, ҳиндларнинг «~~Рамаяна~~», «~~Махабхорат~~» афсоналаридаги шахслараро муносабатлар виртуал реаллик моделининг ёрқин намунасидир. Шу нуқтаи назардан, виртуал борлик инсон тафаккури маҳсули сифатида қадим илдизларга эга.

Тадқиқотда «виртуал реаллик» тушунчасининг тарихий, эпистемологик моҳияти, «виртуал технологиялар», «виртуал иқтисодиёт», «виртуал жамият» тушунчалари фалсафа, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, журналистика соҳаларида ижтимоий тараққиётнинг механизми сифатида амал қилиши асосланган. ~~Муаллиф-Биз~~ М.М.Бахтиннинг ««Виртуал реаллик ижтимоий онгининг маҳсули»», деган ғоясини Н.А.Носов ва А.Э. Жичкинанинг ««Виртуал реаллик ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч»», деган ғояси билан қиёслаган, уларнинг умумий маъноси жамиятнинг маданийлашуви, тафаккурнинг ўзгаришини намоён этишини очиб берди~~қан~~. ~~Бизнинг фикримизча~~~~Муаллиф фикрича~~, ҳар қандай реал воқелик микроэлементар заррачалардан ташкил топгани каби виртуал реаллик ҳам виртуал зарралардан иборат. ~~В~~виртуал борлик мазмунан муайян йўқлик сифатидаги борлиқни назарда тутати. Аслида ҳар қандай борлик уч даража: сифат, микдор ва ўлчовдан иборат, сифат, энг аввало, борлик билан бир хил муайянликдир. Бинобарин, ўз сифатини йўқотган нарсанинг моҳияти ҳам ўзгаради. Микдор эса, аксинча, борлиққа нисбатан ташқи, унга узвий боғлиқ бўлмаган муайянлик. XX аср постклассик фан тадқиқот объекти саналган виртуаллик

³⁰ Платон. Диалоги. – М.: 1972. –С. 860.

³¹ Аристотель. Ахлоқи кабир. –Тошкент: Фан, 2005. –Б. 350.

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

ғояси бир-бирига ўхшаш бўлмаган объектлар ўртасидаги муносабатларнинг махсус турини кўрсатади. Уларни турли хил иерархик даражаларда жойлаштиради, улар орасидаги ўзига хос муносабатларни белгилайди. Шу нуқтаи назардан, виртуал реаллик таъсир қилишни ҳам, таъсирга бўлган муносабатни ҳам симуляция қилади.

Диссертацияда инсоннинг олам ҳақидаги ишончли ҳиссиётларини яратиш учун виртуал реаллик технологиялари яратилганлиги асосланган. [Тадқиқотчи—Бизнинг](#) фикримизча, XX аср охиридаги фан ва техника тараққиётининг мазкур ҳодиса ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари виртуал реалликнинг генезиси, онтологик ҳолати ва фалсафий талқинини шакллантирган. Виртуал реалликнинг манбаи «инсон-техника» типидagi тизимдан иборат. Шу маънода, виртуал реалликнинг янгилик сифатида қабул қилинишида техника ва инсон бирлиги асос бўлган. Бунда виртуал реаллик техника ва инсоннинг ўзи эмас, балки улар ўртасидаги ўзаро таъсирни намоён этади. Ушбу ўзаро алоқада асосий жиҳат элементлар эмас, балки ўзаро таъсирнинг муҳити ёки макони бўлиб, у кибермакон деб номланди (инглизча «cyber space» (кибер-бўшлиқ) кибернетик бўшлиқ). Шундай қилиб, инсон-машина тизимини ривожлантиришга бўлган техник эҳтиёж виртуал реаллик ихтиросининг манбаи бўлди.

Тадқиқотда оммавий онгда «виртуал реаллик» атамасининг компьютерлар билан боғлиқлиги, виртуал борлиқ феноменидан жуда кўп соҳаларда фойдаланилаётганлиги, виртуал реалликни таърифлашда технократик ва онтологик ёндашувларни фарқлаш лозимлиги очиқ берилган. [Муаллиф—Бизнинг](#) фикримизча, виртуал реаллик ахборотлашув жараёнининг замонавий кўриниши бўлиб, технологик воситалар ёрдамида яратилган сунъий муҳитдир. Виртуал реалликнинг кенг имкониятларда намоён бўлиши унинг онтологик таърифи, сунъийлик даражаси технологияларга боғлиқлиги ҳақидаги фикрларда акс этади. У объект ва ҳодисага тақлид қилишдан янги алоқа шакллари пайдо бўлишигача бўлган жараёнларни қамраб олади. Демак, дунёнинг яхлит табиий-илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилаётган ҳозирги замон фанининг қоида ва хулосалари борлиқ ҳақидаги фалсафий тасаввурларга асосланиши лозим. Зеро, бу вазифа, биринчи навбатда, фалсафий даражада ҳал қилинади. Шу маънода [биз файласуф олима, муаллиф Н.А.Шермухамедованинг](#): «Инсоннинг оламга муносабатини ифодалайдиган назарий билимлар тизими фалсафа бўлиб, у борлиқ моҳияти ва ҳаётнинг мазмуни, билиш ҳамда амалий фаолият, тараққиёт ва ўзгариш каби турли муаммолар билан шуғулланади»³², деган фикрига қўшилган.

Шунингдек, «виртуал реаллик» тушунчаси эҳтимолий-потенциал ва мавжуд бўлиши мумкин бўлган маънони англатиши асосланган.

[Муаллиф—Бизнинг](#) фикримизча, дунёнинг яхлит табиий-илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилаётган ҳозирги замон фани борлиқ ҳақидаги ўта кенг фалсафий хулоса ва қоидаларга асосланиши лозим. Бугунги кунда турли ёндашувлар виртуал реаллик борлиқнинг улкан имкониятларга

³²Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. — Тошкент: Алоқачи, 2008. — Б. 192.

эгалитини намоён қилмоқда. Виртуал борлик ўзгача кўринишдаги қатор концепцияларни тизимлаштиради. Мазкур концепцияларни асослаш учун «ўзгача реалликлар» лойиҳасининг эпистимиологиясини мисол қилиб оламиз.

Диссертациянинг «**Виртуал реаллиكنинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш шакллари**» деб номланган иккинчи бобида виртуал технологияларнинг ижтимоий маданий маконда амал қилиш механизмлари ва тамойиллари илмий асосланган. ~~Муаллиф—Бизнинг фикримизча, фикрича,~~ виртуал реаллик фалсафий талқинда материализм нуктаи назаридан ҳам, идеализм нуктаи назаридан ҳам, Декарт дуализми нуктаи назаридан ҳам мураккаб давомийликдир. Янги ахборот-коммуникация технологияларига интилиш ривожланган жамиятларда тобора катта роль ўйнаётган янги тажрибанинг чексиз имкониятларини намоён этади. Виртуал борлик тизимлари бу тажрибадан ва инсоннинг янги ўзига ҳослигидан фойдаланиш имконини амалда таъминлайди. Инсон фақат ўз тасаввури билан чекланадиган сунъий тарзда яратилувчи виртуал оламлар орасида яшай бошлайди. Кундалик тажрибада янги объектларга камдан-кам дуч келамиз. Аммо инсон ўзи ўзлаштирган микродунё чегарасини кенгайтириб борар экан, «ҳар қандай ҳол» учун зарурий бўлган онтологик тасаввурларни фалсафий нуктаи назардан махсус ўрганиш вазифаси янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Турли онтологик концепциялар – дунёни идрок этишнинг турли усуллари. Файласуфлар уларни яратар экан, инсониятга илгари қўрилмаган нарсага дуч келган ва бунинг нималигини тушунишнинг энг мақбул усулини танлашга тўғри келадиган тақдирда керак бўладиган универсал моделларни олдиндан тайёрлаши лозим.

Тадқиқотда, замонавий дунёда юз бераётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар янги виртуал реаллиكنи шакллантириши очиб берилган. ~~Муаллиф~~ Бизнинг наздимизда~~фикрича,~~ ташқи дунёнинг бир қисми сифатида ижтимоий воқелик объектив воқеликнинг хусусиятига эга. Шунинг учун уни ўрганиш ғоялар ва иллюзияларда инсонга қандай берилганлигини англаш билан эмас, балки унга хос бўлган ва унинг онгидан ташқарида ~~ва ҳамда~~ ундан мустақил равишда мавжуд бўлган хусусиятларни билиш асосида олиб борилиши керак. Реаллик вужудга келиши мумкин бўлган, мавжуд ва ўткинчи барча нарсаларга тегишли. Янги алоқа воситаларининг ривожланиши жамиятда янги муносабатлар пайдо бўлиши ва янги ижтимоий реаллик ~~—~~ виртуалликка ёрдам берди. Виртуал реаллик, яъни жамиятни виртуаллаштириш, интернетдан фойдаланувчилар сонининг доимий ўсиб бориши туфайли долзарб аҳамият касб этмоқда. Тармоқ виртуал реаллигида шаклланаётган бундай жамоалар фаолиятининг аналитик таҳлили натижасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

интернет оламида пайдо бўлган бундай жамоалар фаолияти виртуал фуқаролик жамиятининг бир прототиби сифатида тан олинishi мумкин;

виртуал жамоалар фаолияти нафақат келажак истиқболида, балки бугуннинг ўзида тезкор ечим талаб қилувчи вазиятларда ижобий натижага эришиш имкониятини яратади;

фуқаролик жамиятининг ушбу «янги» кўриниши унда бирлашаётган инсонларнинг умумий манфаатларига мос бўлиб, нафақат амалий ечимда, шу билан бирга, тегишли статистик ташкилотларга муҳим, доимий янгиланиб турувчи, энг асосийси, реал вақт доирасида фуқароларни ўйлантираётган масалалар ҳақида маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади;

замонавий жамиятнинг элементи сифатида виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фаол позициясини билдириш учун аҳолининг кўп сонли қатлами бўлган ёшлар ўртасида кенг ёйилиб, келажакда давлат учун жон куйдирадиган фуқарони етиштириб чиқариши мумкин.

Муаллиф—Бизнинг фикримизча, виртуал реаллик – технология ва маданиятнинг ноёб симбиози, физик қонунлар билан чекланмаган бу реалликни ўзлаштириш ривожланишнинг мисли қўрилмаган истиқболларини белгилайди, аммо виртуал реалликдан фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши, масалан, инсон онгини манипуляция қилиш омили бўлиши мумкин. Шунингдек, виртуал ҳаётга киришиш одатдаги фаол ҳаёт ўрнини босиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир кишига ўз фуқаролик позициясини мақсадли равишда кўрсатиб бериш имкониятини, унга танлаш эркинлигини яратиб берди (радио ва телеканаллар, газета, журналлар ва ҳоказо). Буларнинг барчаси муаммоли вазиятларнинг жамият муҳокамасига олиб чиқилиши билан боғлиқ. Виртуал реаллик деярли ҳар қандай ижтимоий жараёнга воситачи бўлиб хизмат қилиб, анъанавий ҳаёт тарзини имманент, узлуксиз ҳодисага айлантиради. Ушбу глобал жараён натижасида виртуал реаллик шахслараро муносабатларнинг кўп жиҳатларини соддалаштирди, жамиятнинг маънавий қиёфаси ва унинг қадриятлар тизимини ўзгартирди. Инсоннинг онгига таъсир кўрсатадиган, доимий равишда ўсиб борадиган ахборот оқими унинг идрок чегараларини мунтазам кенгайтириб боради, ушбу ҳолат маълумотни визуализация қилиш билан боғлиқ.

Инсонларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжлари тўлақонли амалга оширила бошлаши виртуал реаллик технологияларини жамият ҳаётида тўлиқ амал қилаётганидан далолат беради. Муаллиф—Бизнинг назаримизда, фикримизча, виртуал борликни одамлар яратади. Шу боис, виртуал борликда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсондир. Бинобарин, виртуал борлик онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғиригидан ўтувчи физик борликдан шаклланади. Виртуал борлик объектив тарзда, яъни инсон миёсида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айтиш мумкин, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар, мавжудликда давом этади. Бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади. Мазкур онгнинг мазмунини – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади. «Homo Virtualis» – виртуал одам муаммоси XXI асрнинг бош муаммосига айланиши прогнозлаштирилмоқда. Ҳозирги даврда «виртуаллик гени» ҳақида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур ген ҳаёлий образлар лабиринтларида яширин намоён бўлади. Техник ва физик нуқтаи назардан виртуаллик постиндустриал цивилизация ва ҳамда ахборот электрон инқилобининг маҳсулидир. Уни ахборот жамияти

муҳитининг зарур режаси, деб тушуниш ҳам мумкин. Мазкур режа ялпи тарқалиш тенденцияларига эга. Виртуалликнинг кенг тарқалиши жуда кўп ҳолатлар: оммавий ахборот воситалари, коммуникация хусусиятлари, ҳуқуқий ва мафкуравий механизмлар, халқнинг тили ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Немис расмиятчи, америкалик прагматик, француз сермуҳаббат, инглиз эса ўта кетган коидапараст, деган тавсифлар ҳаёлда гавдалантирилган этнос хулқ-атворнинг йиғма образлари билан боғлиқ виртуаллик белгисидир³³. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Буларнинг барчаси янги ахборот технологияларига бўлган эҳтиёж ўсишини ва шунга мос равишда уларнинг жадал ривожланишини олдиндан белгилаб қўйди. Бироқ, бундай технологияларнинг кенг тарқалиши ва амалга оширилиши инсоният илгари дуч келмаган ва-ҳамда эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган жуда кўп махсус муаммоларни келтириб чиқаради.

Муаллиф—Бизнинг фикри~~миз~~ча, виртуал реаллик технологиялари инсонга дунёни англаш, ҳатто, уни маданий жараёнда бевосита интерактив иштирок этиш имкониятини тақдим этади. Бугунги кун фан соҳалари, жумладан, физика, информатика, инженерия, психология, фалсафада ўрганиш учун кенг мулоҳаза майдонини яратади. Виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданияти ва таълимининг таркибий қисмига айланди. Виртуал таълим нафақат масофавий телекоммуникациягагина хос жиҳат бўлиб қолмасдан, балки таълимнинг барча, жумладан, кундузги шаклларида ўқитувчи, ўқувчи, ўрганилаётган объектларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлиш хусусиятига эга. Масофавий технологиялар виртуал таълим асосида кундузги таълим имкониятларини кенгайтиришни таъминлашга хизмат қилади. Виртуал таълимнинг асосий мақсади инсоннинг реал борлиқда тутган ўрнининг туб моҳиятини англаб етишдаги унинг виртуал ва бошқа имкониятлари уйғунлигини таъминлашдан иборат. Шу нуктаи назардан, жамият тараққиётида виртуал реалликнинг амал қилиш жараёни назарий таҳлилларининг амалий ҳаёт билан мутаносиблигини таъминлаш учун тадқиқотчи 2022 йил Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1000 нафардан ортиқ респондентлари иштирокида «Виртуал реалликнинг ёшлар ижтимоий-маданий маконига таъсири» мавзусида социологик сўровнома ўтказган.

³³Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – Б. 192.



1-расм. «Хурматли респондент, сиз учун асосий бўлган ахборот манбаини кўрсатинг»

Респондентларнинг 39,44,25 %и интернет тармоғи асосий ахборот манбаи эканлигини қайд этган бўлса, 33,27,3 % респондент асосий ахборот манбаси сифатида ижтимоий тармоқларни кўрсатган. 22,8 % респондент турли мессенджер ва сегментларни ахборот олиш манбаи сифатида кўрсатган бўлса, 6,11,36 % респондент бундай манба сифатида телевидениени кўрсатган. 1,6,2 % респондентлар турли босма нашрлар ҳамда ён атрофдаги одамларни асосий ахборот манбаи сифатида тан олган.

Отформатировано: русский

Отформатировано: русский

Отформатировано: русский

Отформатировано: русский


Отформатировано: русский

Отформатировано: русский

Отформатировано: русский

Отформатировано: Шрифт: 11 пт

Отформатировано: Шрифт: 11 пт




Отформатировано: английский (США)

2-расм. «Сиз олаётган маълумотларни бошқа ахборот манбаларида текшириб кўрасизми?»

Мазкур саволга респондентларнинг 1/4 қисми қандай ахборот манбалигига қараб текшираман, 1/5 қисми баъзан текширишларини, бу қандай ахборот эканлигига боғлиқлигини айтиб ўтишган. 17_% респондент эса ҳа, албатта текшираман, 15_% иштирокчилар имкониятдан келиб чиқиб текширишларини айтишган. 12_% респондент ўзлари оладиган ахборот манбаига тўлалигача ишонишлари ва уни текшириб кўришнинг ҳожати йўқлигини таъкидлаб ўтишган. 10_% респондент эса бундай ишлар ортиқча вақт олиши сабабли текшириб ўтирмасликларини қайд этишган, 1_% респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

Отформатировано: Шрифт: 11 пт


Отформатировано: Шрифт: 11 пт



3-расм. «Сиз кўпроқ жонли мулоқотда ўзингизни эркин ҳис қиласизми ёки интернетдаги мулоқотдами?»»

Респондентларнинг 65,5% интернет орқали мулоқот қилганда, 27,5% респондентлар жонли мулоқотда ўзларини эркин ҳис қилишларини кўрсатиб ўтишган. Шунингдек, 7% респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

Интернетга нима учун мурожаат қиласиз?



Интернетга нима учун мурожаат қиласиз?



4-расм. «Интернетга нима учун мурожаат қиласиз?»

